

мутафаккир Алишер Навоӣ  
таваллудининг 573 йилли-  
гига бағишланган адабий  
кеча ва концерт дастури  
бўлиб ўтди.

«Жаҳон» АА,  
Париж

● АҚШнинг Лос-Анжелес шаҳридаги санъат музейида «Футбол — мафтункор ўйин» номли кўргазма очилди. Миллионлар ўйинига бағишланган мазкур тадбирда турли суратлар, расмлар, эсдалик совғалари, ҳайкал-тарошлик асарлари намойиш этилмоқда. Ташкилотчиларнинг айтишича, бундан кўзланган мақсад аҳолининг футболга қизиқишини оширишдир.

## Депутат: бурч ва масъулият

СОҒЛОМ ВА ЖИСМОНАН  
ЕТУК АВЛОД КАМОЛОТИ —  
ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

**Давлатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб, муҳтарам Ортбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда спортни, жумладан болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу ғамхўрлик туфайли спортчиларимиз Осиё ва жаҳон чемпионатларида, Олимпиада ва бошқа турли нуфузли халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, Ватанимиз байроғини баланд кўтаришда муваффақ бўлишмоқда.**

Ёшларимизнинг дунё спорт майдонларида юксак марраларга эришишида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган ва жаҳон ҳамжамияти томонидан кичик Олимпиада сифатида кенг эътироф этилаётган уч босқичли ягона тизим — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада мусобақалари катта аҳамият касб этмоқда.

Мустақил ҳаётга катта умидлар билан кириб келаётган навқирон авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши йўлида кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик, замонавий спорт мажмуалари, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида яратилган кенг имкониятлар ёшларнинг спортга, қизиқишини янада оширишда муҳим омил бўлмоқда. Бинобарин, мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол тарзда вояга етказиш, болалар спортини ривожлантириш, ўғил-қизларимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларни жисмонан етук, юксак маънавиятли ва интеллектуал салоҳиятли инсонлар этиб тарбиялашга қаратилаётган алоҳида эътибор ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Президентимизнинг 2011 йил 19 январда қабул қилинган «2011-2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ мамлакатимизда янги стадионлар барпо этилиб, мавжудлари реконструкция қилинмоқда. Болалар ва ўсмирлар футбол мактаблари замонавий инвентарлар билан таъминланиб, малакали мураббийлар ва ҳакамлар тайёрланмоқда.

Тошкент шаҳрининг ўзида ўтган қисқа вақт мобайнида тадбиркорларимиз томонидан 200га яқин сунъий қопламали футбол майдончалари барпо этилди. Ҳар куни бу мажмуаларда футбол ўйнаётган ёшларни кўрган ҳар қандай кишининг дили қувнади.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хомийлик кенгашининг яқинда бўлиб ўтган йўналишида Президентимизнинг «Болалар учун барпо этиладиган ҳар бир иншоотни қалб қўримизни бағишлаб қўришимиз керак. У ерда шуғулланган болалар шундай имкониятлардан мамнун бўлиб, эзгу мақсад ва интилишлар билан яшасин. Зеро, фарзандларимизни хурсанд қилиш, уларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши учун шариат яратиб бизнинг бурчимиз», деб эътироф этишларида чуқур маъно муҳассам бўлиб, бу ҳали олдимизда янада улкан вазифалар турганлигини аниқлатади.

Сўзсиз, юртимизда футболга бўлган эътибор алоҳида таҳсинга лойиқ. Бунинг самараси ўлароқ 2012 йил 28 сентябрда Тошкентда жаҳон андозлари талабларига жавоб берувчи 34 минг ўринли «Бунёдкор» стадионининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. «Пахтакор», «Локомотив», «Темириўчи» стадионлари тубдан қайта таъмирланди.

Таъкидлаш жоизки, ўтган 2013 йил ҳам ўзбек футболни учун муваффақиятли бўлди. Ўзбекистон миллий терма жамоаси Осиё чемпионатида саралаш босқичида муваффақиятли қатнашди.

Муддатидан олдин 2015 йили Австралияда ўтказиладиган Осиё Кубоғининг финал босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Туркияда футбол бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида жаҳоннинг энг кучли саккиз жамоаси сафидан жой олди. Футбол бўйича Осиё чемпиони — Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Бирлашган Араб Амирликларида ўтказилган 17 ёшгача футболчилар ўртасидаги жаҳон чемпионатида муваффақиятли иштирок этди.

Жорий йилнинг бошида «Миллий Тикланиш» демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгашининг депутатлар гуруҳи билан Юнусобод туманидаги Отчопар сайлов округи ҳудудидаги «Отчопар-1», «Отчопар-2», «Юнусобод», «Посира», «Ақбаробод», «Дўстлик» ва «Оқтепа» маҳаллалари фаоллари билан ўтказилган учрашувларда маҳалла аҳли, айниқса ёшлар орасида спортга нисбатан қизиқишининг тобора ортиб бораётганлигини ҳис этдик. Айниқса, маҳалла ёшлари иштирокида футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси билан ўтказилган учрашув шубҳасиз катта таассурот қолдирди. Соғлом ва тетик болаларнинг спорт турларига бўлган катта қизиқишларини кўриб, улар учун бу борада зарур шарт-шароитларнинг яратилиши давр тақозоси эканлигини яна бир қарра ҳис этдик. Зеро, спортга қизиқишнинг оқибатдан, мактабдан, қолаверса, маҳалладан бошланишини, спортнинг катта маънавий куч эканлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

2014 йил давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда Соғлом бола йили деб эълон қилинди. Шубҳасиз, жамиятимизда соғлом бола, соғлом оиланинг шаклланишида спортнинг ўрни беқиёс. Чунки спорт кишини тоблайди, чиниктиради ва элга танитади. Бу борада аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида спортни янада кенг тарғиб қилишимиз, фойдаланиш учун қулай бўлган спорт иншоотлари қурилишини янада жадаллаштиришимиз, болаларни, айниқса қизларни спорт турларига жалб этиш борасида самарали ишларни йўлга қўйишимиз лозим.

Муҳтарам Ортбошимиз таъкидлаб ўтганларидек, «Соғлом бола — аввало соғлом ва аҳил оиланинг мевасидир. Спорт ана шундай оилаларни шакллантирадиган энг яхши воситалардан биридир. Спорт билан шуғулланган йигит-қизлар соғлом ва бақувват, фикри тиник бўлади. Келгусида фарзандларини ҳам шу руҳда тарбиялайди. Бундай оилалар кўпайса, бутун жамиятимизнинг соғлом муҳити янада мустаҳкамланади».

Кўриниб турибдики, соғлом бола, соғлом оиланинг шаклланишида спортнинг аҳамиятини бир сўз билан таърифлаш қийин. Бу хайрли ва савобли иш ҳамдир. Уни амалга кенг татбиқ этиш учун пойтахтимиз салоҳиятидан кенг фойдаланиш, бу борада барча имкониятларни ишга солиш муҳим аҳамият касб этишини, спорт мамлакатини тезда дунёга машҳур қилувчи катта куч эканлигини доимо ёдда тутмоғимиз керак.

**Асқар ТОЛИПЖОНОВ,**  
халқ депутатлари Тошкент  
шаҳар Кенгаши  
депутати



Айло Абдуллаев (ЎЗА) олган сурат

**Мустақиллик йилларида сара миллий кино асарлари орқали халқимизни, айниқса, ёшларнинг маданий-маърифий савиясини кўтариш, дунё маданий янгилликларида баҳраманд бўлиш ва бўш вақтларини мазмунли ўтказишларида катта эътибор қаратилмоқда.**

## Тақдимот

## МАРД ЎҒЛОНЛАР

Яқинда Киночилар уйи ва Алишер Навоий номидаги кино саройида «Ўзбекистон» Миллий агентлиги буюртмасига асосан «Қорақалпоқфильм» киностудиясида суратга олинган «Қўрғон» бадиий фильмининг премьераси бўлиб ўтди.

Тақдимот маросимида сўзга чиққанлар давлатимиз томонидан миллий кино санъатини ривожлантириш, кинематография соҳасининг халқимиз ва ёшлар ҳаётидаги таъсир доирасини янада такомиллаштириб боришга қаратилаётган эътибор ўз самарасини бераётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

«Қўрғон» бадиий фильми Ватан ҳимоячилари ҳақида ҳикоя қилувчи кинотасма бўлиб, унда ортимиз

сарҳадларида тинчликни янада мустаҳкамлаш, оқоиллигимизни асраб-авайлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳикоя қилиб, шу орқали мард ўғлонлар ҳаётини акс эттириш каби мақсадлар илгари сурилган.

Кино тасвирларда юртга садоқат, Ватан ва оилани бирдай муқаддас билиш сингари олижаноб фазилатлар ўз аксини топган.

Ушбу фильм қорақалпоқ ёзувчиси М.Низанов ва Ш.Ғисова сценарийси асосида режиссёр А.Ғаниев ва тасвирчи А.Орзиқулов томонидан суратга олинган.

Бадиий фильмининг қизиқарли сюжет, актёрларнинг моҳирона ижроси ва ранг-баранг тасвирлар премьераси иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

**Гулнеча ДУРДИЕВА**

## Анжуманлар

УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРГА  
БАҒИШЛАНДИ

Тошкент юридик коллежи, Адлия вазирлигининг «Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва барқарорлик йўлидаги ислохотлар стратегияси» мавзусида илмий-назарий анжуман ташкил этилди.

Тошкент юридик коллежи, Адлия вазирлигининг «Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва барқарорлик йўлидаги ислохотлар стратегияси» мавзусида илмий-назарий анжуман ташкил этилди. Анжуманда мамлакатда қабул қилинган иқтисодийётни ислох қилиш ва ривожлантириш стратегиясининг изчил амалга оширилиши натижасида 2013 йилда иқтисодий ривожланишнинг барқарор суръатлари, макроиқтисодий барқарор

лиқни сақлаш ва иқтисодийётни модернизациялаш таъминланганлиги, жаҳонда умумэтироф этилган ривожланишнинг «ўзбек модели»нинг амалга оширилишида Ўзбекистоннинг ютуқлари ва истиқболлари, жаҳон иқтисодиётининг чуқур ва давомли инқироз шариоитларида иқтисодиётни инқирозга қарши бошқариш бўйича қўрилаётган самарали чора-тадбирлар нуфузли иқтисодчи олимлар ва халқаро молиявий институтлар томонидан юқори баҳоланаётганлиги ҳам эътироф этиб ўтилди.

Тадбир давомида коллеж ўқувчилари ҳам Юртбошимиз маърузасининг мазмун-моҳиятига оид чиқишлар қилинди.

(Ўз мухбири)

ЯНГИ ВЕБ-САЙТ  
ТАҚДИМОТИ

**Ўзбекистон алоқа тарихи музейида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази расмий веб-сайтининг тақдими бўлиб ўтди.**

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, «UZINFOCOM» компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази, вазирлик ва идоралар, олий таълим муассасалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси А.Жўрабоев, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Саидов ва бошқалар мустақиллик йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган мустахкам қонунчилик базаси яратилганини таъкидлади.

Кенг жамоатчиликни Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳасида олиб борилаётган давлат сиёсати, амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари мазмун-моҳияти тўғрисида хабардор қилиш мақсадида Интернет тармоғида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг янги расмий веб-сайти ишга туширилди.

Сайт «UZINFOCOM» компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази томонидан ишлаб чиқилди.

Янги ахборот ресурси қуйидаги манзилларда жойлашган: [www.insonhuquqlari.uz/](http://www.insonhuquqlari.uz/) [www.pravacheloveka.uz/](http://www.pravacheloveka.uz/).

Веб-сайта материаллар ўзбек, рус ва инглиз тилларида жойлаштирилади. Бу ерда Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ томонидан чоп этиладиган журналлар ҳақида маълумот олиш, нашрлар каталог ва тегишли адабиётлар билан ҳам танишиш мумкин. Бундан ташқари, фото, аудио ва видеоматериалли медиа-тека бўлими ҳам фойдали юритмоқда.

**Роман БОНДАРЧУК,**  
ЎЗА мухбири

Бектемир тумани ҳокимининг  
ҚАРОРИБЕКТЕМИР ТУМАНИДА  
2014 ЙИЛ УЧУН ҲАҚ  
ТЎЛНАДИГАН ЖАМОАТ  
ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 июлдаги «Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш ҳақида»ги 353-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1999 йил № 7, 40-модда) ижросини таъминлаш, иш қидираётган шахс сифатида туман Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказида рўйхатга олинган фуқароларга уларнинг вақтинча иш ҳақи олиши ва иш қидираётган даврида уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, марказ томонидан «ишсиз» деб эътироф этилган фуқароларни вақтинча иш билан таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, биринчи марта иш қидираётган ва касби бўлмаган шахсларни меҳнат фаолиятига жалб қилиш мақсадида,

## ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Бектемир туманида 2014 йил учун ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этувчи корхона ва ташкилотлар рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

2. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этувчи корхона, ташкилотлар раҳбарларига:

иловада қайд этилган ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш таъминлансин; жамоат ишларига жалб қилинган фуқаролар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қарашли корхона ва ташкилотлар бўйича 50 фоизи иш берувчилар маблағлари ва 50 фоизи маҳаллий бюджет ва иш билан таъминлашга қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан;

бошқа корхона ва ташкилотлар бўйича 75 фоизи иш берувчилар маблағлари ҳисобидан, 25 фоизи иш билан таъминлашга қўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин; туман Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази йўлланмаси бўйича ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган фуқароларнинг жамоат ишига қабул қилинганлиги тўғрисидаги маълумот 3 кун муддатда марказга ёзма равишда хабар қилинсин.

3. Туман Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази в.в.б (Ў.Уринбоев):

корхона ва ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорнинг тўлиқ бажарилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатсин;

ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган ва иш билан таъминланган фуқаролар белгиланган тартибда ҳисобга олинсин.

4. Бектемир тумани ҳокимининг 2013 йил 1 августдаги «Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш тўғрисида»ги 216-сонли қарори ўз кучини йўқотганлиги инобатга олинсин.

5. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб қўчга қиради.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Ерматов зиммасига юклатилсин.

**Туман ҳокими**

**С.Махаметов**

2014 йил 23 январь

**Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг [toshkent.uz](http://toshkent.uz) сайти орқали танишиш мумкин.**

## ҲАР БИР БОЛА — МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДА

**Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, БМТ Тараққиёт дастури ва Кўнгиллилар дастурининг «Ўзбекистонда ижтимоий инновациялар ва кўнгиллилик» қўшма лойиҳаси доирасида имконияти чекланган ўқувчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор хайрия тадбирлари амалга оширилмоқда.**

Пойтахтимиздаги 101-маҳсус мактаб-интернатда мазкур қўшма лойиҳа ҳамда «Моҳир хунарманд» ижтимоий лойиҳаси доирасида муассаса тарбияланувчилари учун ўқув машғулот-и ташкил этилди. Унда имконияти чекланган болаларга турли тўғараклар раҳбарлари бичиш-тиқиш, тўқиш, расм чизиш, қовқовдан буюмлар ясаш бўйича маҳорат сабоқлари ўтди. Дарс жараёнида фаоллик кўрсатган ўқувчилар лойиҳа ташкилотчилари томонидан рағбатлантирилди.

— Қизим мактаб-интернатда ипакдан турли буюмлар тўқишни ўрганмоқда, — дейди Мавжуда Азимова. — Бу унинг ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлаб, меҳнатидан фойдаланишига сабаб бўлаётди. Имконияти чекланган болаларнинг жамиятда муносиб ўрин топиши учун кўрсатилаётган бундай эътибор ва ғамхўрлик учун давлатимиз раҳбаридан миннатдоримиз.

Лойиҳа доирасида ўқувчи-ёшлар томонидан ясалган қовқоқ буюмлар ҳамда қўлда тўқилган маҳсулотлар

кўргазмаси мунтазам ташкил этилмоқда. Пойтахтимизда ўтган «MASTER UZ» деб номланган муаллифлик буюмлари ярмаркасида юртимизнинг барча ҳудудларидан хунармандлар каштачилик, зардўзлик, заргарлик, сўзана, тикувчилик маҳсулотлари, кўғирчоқсозлик, ёғоч ўймакорлиги намуналари билан иштирок этди.

— Ушбу ярмарка доирасида уста-хунармандлар қаторида маҳсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари ясаган буюмлар савдоси ҳам таш-

кил қилинди, — дейди «Моҳир хунарманд» ижтимоий лойиҳаси раҳбари Шерзод Исмолов. — Жисмоний имконияти чекланган болаларнинг бундай ярмаркаларда иштирок этиши уларнинг хунар ўрганиши, жамиятда муносиб ўрин эгаллаши, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишига хизмат қилади.

Икки кун давом этган ярмаркада уста-хунармандлар томонидан маҳорат сабоқлари ташкил этилди. Унда ёшларга сопол ҳамда чиннидан турли буюмлар ясаш, юмшоқ ўйинчоқлар, каштачилик, шишага расм солиш бўйича маълумотлар берилди. Бу маҳорат сабоқлари самараси ўқувчи-ёшларнинг кейинги фаолиятида, хунармандлик ишларида қўл келади.

**Барно МЕЛИКУЛОВА,**  
ЎЗА мухбири



**Хар қандай шароитда ёрдамга шай туриш – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходимларининг бош касбий тамойилидир. Қутқарувчилар мудом ёрдамга, инсон ҳаётини сақлаб қолиш йўлида мардлик ва матонат кўрсатишга тайёр.**

Уларнинг бундай фидокорона меҳнати ва жасоратини рағбатлантиришга давлатимиз томонидан доимий эътибор қаратишмоқда. Кўплаб қутқарувчиларнинг юксак давлат мукофотлари билан тақдирлангани ҳам бунинг тасдиғи. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2014 йил 10 январдаги «Ватан ҳимоячилари кўни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ «Жасорат» медали билан тақдирланганлар орасида Тошкент вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси тез ҳаракат қилиш махсус отряд қутқарувчиси Нигматилла Валламов ҳам бор.

Н.Валламов ўз хизмати давомида кўплаб инсонларнинг ҳаётини сақлаб қолган. Унинг ўзига хос фикрлаш қобилияти, мардлиги ва эпчиллиги кўни кеча чуқурлиги 7 метрдан зиёд ва диаметри атиги 30 сантиметр қудуққа тушиб кетган уч ёшли боланинг ҳаётини сақлаб қолиш имконини берди. Касбининг ўта мураккаб бўлишига қарамайдан, у ўз соҳасининг янги йўналишларини ўзлаштирмоқда. Шунинг учун бугун у нафақат тез ҳаракат қилиш махсус отряди қутқарувчиси, балки қутқарувчи-альпинист ҳамдир.

– Давлатимизнинг юксак мукофотида сазовор бўлиш мен учун улкан шараф, – дейди Н.Валламов. – Бунда, аввало, бутун жамоа ва менга касб сирларини эринмай ўргатган устозим Равшан Мавлоновнинг ҳиссаси катта. Мамлакатимизда яратилган шароитлар касбимни пухта ўзлаштиришимга имкон берди. Давлатимиз томонидан соҳага қаратилаётган улкан эътибор туфай-

ли, қутқарувчилик касби ҳар қанча қийин бўлмасин, сафларимиз ўзгаларнинг дардига шерик бўлишга, жасорат кўрсатишга тайёр ёш мутахассислар ҳисобидан кенгайиб бормоқда.

Ҳарбий хизматда тобланган, юксак жисмоний тайёргарликка ва ўрта махсус ёки олий маълумотга эга бўлган ҳар бир йигит қутқарувчи бўлиши мумкин. Бундан ташқари, бўлажак қутқарувчи қатъиятли ва жасур, одамларга нисбатан чексиз муҳаббат каби хислатлар эгаси бўлиши лозим.

## ШАРАФЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

– Бугунги кунда мамлакатимиз қутқарувчилари уч йўналишда: кидирув-қутқарув гуруҳлари, радиациявий, кимёвий ва биологик (бактериологик) ҳимоя гуруҳлари ҳамда сувда қутқариш гуруҳларида фаолият юритмоқда, – дейди Тошкент вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи, майор Алишер Норматов. – Махсус соҳа фаолияти 200 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Аҳоли ва ҳудудларни табиий ва техноген характердаги фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш тўғрисида», «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида», «Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида»-ги қонунлари билан тартибга солинади.

Ўзбекистонда қутқарув хизматининг тез ва самарали ишлаши учун улар замонавий ва юқори самардорликка эга авария-қутқарув жиҳозлари, ғаввослик анжомлари ва транспорт воситалари билан таъминланган. Бу нафақат қутқарув ишлари билан шуғулланиш, шахар аҳолисига ёрдам кўрсатиш, балки Қамчиқ довоида транспорт воситаларининг узлуksиз қатновини таъминлаш учун навбатчиликлар ташкил этиш, турли ташкилот, мактаб, коллежларда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, болаларга, жумладан, ёзги оромгоҳларда фавқулодда вазиятлар содир бўлганда ҳаракат қилиш қоидаларини ўргатишга қаратилган профилактика тадбирларини ўтказиш имконини бермоқда.

Масалан, 2013 йилнинг ёзида Тошкент вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси қутқарувчилари ҳар қатновда қирқдан ортиқ оромгоҳда бўлиб, болаларга ўт ўчириш, зилзила ва бошқа мураккаб вазиятларда ҳаракат қилиш тўғрисида батафсил маълумот бердилар. Бундан ташқари, бошқарма ходимлари Чорвоқ сув омборида ўтказилган махсус-тактик ўқув-машқларида фаол қатнашди, кенг аҳоли қатлами ва турли ташкилот вакиллари жалб этган ҳолда, ўқув семинарлари ташкил этди. Президентимизнинг 2013 йил 28 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудларини сел тоққинлари ва ер қўқисси билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш борасидаги қўшимча-чора тадбирлар тўғрисидаги Қарори ижросини таъминлаш доирасида бошқарма ходимлари томонидан вилоятнинг кўчки ва сел хавфи бўлган ҳудудлари текширувдан ўтказилди.

Мухтасар айтганда, «Қутқариш ва омон қолиш» шиори бўлган қутқарувчилар кечаю кундуз, вазиятнинг қай даражада мураккаблигидан қатъи назар, биринчи бўлиб ёрдамга қилишга доимо тайёр.

Ирина ДОЛЕНКО,  
ЎЗА мухбири

**Шаҳримиздаги «Пахтакор» марказий стадионида «Локомотив» (Тошкент) ҳамда Қувайтнинг «Ал-Қувайт» жамоалари ўртасида 8 февраль кунини Осиё чемпионлар лигасининг саралаш учрашуви бўлиб ўтади.**

### Футбол

## «ЛОКОМОТИВ» «АЛ-ҚУВАЙТ» БИЛАН УЧРАШУВГА ТАЙЁР

Ушбу ўйинда ғолиб бўлган жамоа Осиё чемпионлар лигасининг гуруҳ баҳсига йўлланма олади.

– Фикримча, қувайтлик футболчилар учун мазкур ўйин оғир кечади – дейди, «Локомотив» футбол клубининг бош мураббийи Ҳаким Фузайлов. – Сабаби, юртимизда қиш ўзининг ҳукмини сурмоқда, бу эса қувайтлик футболчилар учун ноқулайлик туғдиради. Бу йилги мавсумда жамоамиз олдида бир қатор вазифалар турибди. Ушбу режаларни бажариш учун жамоа-

миз мавсумга юқори суръатда тайёргарлик ишларини олиб борди ва асосий таркибини аниқлаш учун ўртоқлик учрашувларини ҳам ўтказди. «Ал-Қувайт» жамоасига қарши ўтадиган ўйинга командамиз тахт ҳолатда. Сафимизда Иван Нагаев, Марат Бикмаев, Жасур Ҳасанов, Ислам Тўхтажоев, Игнатий Нестеров ва бошқа кўплаб маҳоратли футболчилар борлиги «Локомотив»нинг гуруҳ баҳсига йўлланма олишига ишонч уйғотади.

Жавохир ТОШХҲАЕВ

### Санъат

## НАЗМ ВА НАВО ДАСТУРИ

**Кўни кеча Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамкорлигида Ўзбекистон Давлат консерваторияси катта залида Соғлом бола йиллига бағишланган «Назм ва наво» концерт дастури бўлиб ўтди.**

Сўз мулкининг султони Алишер Навоий ғазаллари асосида тузилган концерт дастурида анъанавий ижрочилик кафедрасининг профессор-ўқитувчиларидан иборат созандалар ансамбли ҳамда Ўзбекистон халқ артисти Замира Суқонова, халқ ҳофизлари Маҳмуджон Тожибоев, Эркин Рўзмавтов, профессор Матназар Худойназаров ва бошқа кўплаб устоз санъаткорлар иштирок этишди. Дастурдан шунингдек, «Муножот» ўзбек халқ кўшиғи, «Баёт 2», «Насри уззол» каби мумтоз мусиқий намуналар ҳам ўрин олди.

Мухаббат ХАЛИЛОВА,  
Ўзбекистон Давлат консерваторияси талабаси



## СПОРТ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мусобақага ҳозирлик кўраётган коллеж ёшлари ўртасида халқаро тажрибага эга спортчилар кўп. Боксчи Дониёр Орзиқулов, дзюдочилар – Шарифбой Жуманиёзов ва Акмал Нажмиддинов, оғир атлетикачилар – Абдуқодир Абдухалилов, Азим Ганиев турли халқаро мусобақа ва чемпионатларда муваффақиятли иштирок этиб, юқори натижаларга эришган.

– Спортчи мусобақада ғалаба қозониши учун нафақат жисмонан бакуват, балки катта давраларнинг салобатини енга оладиган руҳан тетик, иродаси мустаҳкам бўлиши керак, – дейди коллеж ўқувчиси Шарифбой Жуманиёзов. – Ёш спортчиларнинг ана шундай жисмонан ва руҳан соғлом бўлиб улғайишида «Баркамол авлод» мусобақаларининг аҳамияти беқиёс.

Ёш спортчилар машғулотларни республика Олимпия захиралари коллежининг енгил атлетика манежи, кураш, оғир атлетика ва дзюдо зали, Бадий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар Республика иттифослашган Олимпия захиралари спорт мактаби, Марказий ҳарбий спорт клуби базаси, пойтахтимиздаги сув спорти саройи, дзюдо маркази, Янгибод ва Бўстонлиқда жойлашган бокс ва оғир атлетика базаларида ўтказишмоқда.

Байрам АЙТМУРДОВ,  
ЎЗА мухбири

### Мутахассис маслаҳати

## ЭХТИЁТ БЎЛИНГ, БОТУЛИЗМ

Ботулизм таёқчалари ноқулай шароитга тушиб қолганда (масалан, туپроқда) ташқи муҳитга чидамли махсус қобиққа ўралган (спора ҳосил қилади) ва кўп йилларгача яшайди. Ботулизм микроби кислородсиз (анаэроб) шароитда ўлади. Бу микроб ўзида жуда кучли заҳар – ботулинтотоксин ишлаб чиқаради. Ушбу токсин овқат билан одам организмига тушганда асаб системасини қаттиқ заҳарлайди ва ботулизм касаллигини келтириб чиқаради.

Маълумки, ботулизм касаллиги одамдан одамга юкмайди, яъни ботулизм билан оғирган бемор атрофидоғлар учун хавфли бўлмайди. У асосан, ботулизм таёқчалари тарқалган ва уларнинг заҳари сингиган озиқ-овқат маҳсулотларини еганда вужудга келади.

Айтиш керакки, бу хавфли касалликнинг олдини олиш ўзимизнинг қўлимизда. Бунинг учун озиқ-овқат маҳсулотларини, хом ашёларни қайта ишлашда, ташинишда, сақлашда ва олардан овқат тайёрлаш жараёнида озодлик, санитария-гигиенанинг асосий қоидаларига қатъий риоя қилиш шарт.

**Ботулизм овқатдан заҳарланиш натижасида пайдо бўладиган ўткир юқумли касалликдир. У асосан, марказий асаб тизимининг оғир шикастланиши билан кечади, асаб, мушаклар парези ва фалажга олиб келади, ҳатто бемор ҳаётдан кўз юмиши ҳам мумкин.**

Озиқ-овқат маҳсулотлари яхшилаб пиширилганда, ундаги ботулизм микроблари ўлиб кетади ва заҳари парчаланган. Касаллик эса, асосан, уйда тайёрланган консерва ва тузламаларни еиш натижасида рўй бераётди. Ботулизм споралари табиатда жуда кенг тарқалган. Шунинг учун, биринчи навбатда, доимо озодликка эътибор бериш лозим. Консерва саноати муассасаларида ботулизмнинг олдини олиш учун технология жараёнлари ва санитария-гигиена қоидаларига қатъий риоя қилиш шарт. Ботулизм микроблари ва споралари ривожланиб, заҳар ажратишга йўл қўймаслик учун, консерва тайёрлашда маҳсулотга консервант кислотаси (сирка, лимон кислоталари) қўйилади. Таркибида кислота-

си бўлмаган сабзавот, мевалар (бодринг, помидор), дўн нўхат, ўрик, шафтоли, нок ва бошқалардан тайёрланган консерваларга ҳам, албатта, кислоталардан маълум қимдорда қўйиш лозим.

Консервани янги узилган, сифатли, заҳарланмаган ва яхшилаб тозаланган қўл мевалардан қилиш шарт. Айниқса, қўзқоринлар қоида бўйича консервланган бўлса ҳам, унда ботулизм хавфи бўлади. Тузлаш ёки дудлаш, қуритишга мўлжалланган балиқлар янги ушланган, сифатли, жароҳатланмаган ичак-човоғи жуда эҳтиёткорлик билан олиб ташланган бўлиши керак. Уйда тайёрланган консерваларни еишдан олдин қовуриш ёки қайнатиш (15-20 дақиқа) ва ейилмай ортиб қолгани музлатишга қўйиш

керак. Қопқоғи қўтарилиб қолган консерваларни асло истеъмол қилмаслик лозим. Уларнинг таъмини татиб қўришнинг ўзи хатарли, шунинг учун бундай консерваларни ташлаб юбориш керак.

Борди-ю, ботулизмга шубҳа туғилган маҳсулот ёки консерва истеъмол қилинган бўлса, бу ҳолда дарҳол мутахассис врачга бориш лозим. Беморни даволашда, аввало, организмдан заҳарни чиқариб ташлаш, касаллик аломатларини йўқотиш учун барча зарур дори-дармонлар ишлатилади. Бунинг учун беморга кўп валентли махсус даво зардобни юборилади. Даво зардобини, албатта, врач кўрсатмаси билан керакли дозада мушак орасига, оғир ҳолларда эса томирга юборилади. Беморга антибиотиклар ҳам қўлланилади. Юрак фаолиятини яхшилайдиган препаратлар, турли витаминлар, касаллик жуда оғир кечганда гормон препаратлари юборилади. Махсус аппаратлар ёрдамида беморнинг нафас олиши, овқат ютиши яхшиланади. Ютиш осон бўладиган калорияли овқатлар берилади. Айниқса, юрак-нафас йўлларида, асаб тизимида асоратлар бўлса, беморни алоҳида парвариш қилиш талаб этилади.

**Азизбек НИЗАМОВ,**  
Тошкент шаҳар саломатлик ва тиббий статистика институти бўлим бошлиғи

## ДАРЁ ДЕЛЬФИННИНГ ЯНГИ ТУРИ

**Бразилияда қарийб юз йилдан бери илк бор дарё дельфинларининг янги тури топилди. Аммо «PloS One» журналида босилган мақолага кўра унга йўқолиб кетиш хавфи таҳдид солмоқда.**

Дельфинларнинг мазкур тури Бразилиядаги Амазонка, Ориноко ва Арагуая дарёларида яшайди. Амазонка ва Арагуая бундан қарийб икки миллион йил аввал бир-бирига қўшилган бўлган. Лекин ҳозир бир-биридан айри ҳолда оқади.

Амазонас штати давлат университети ходими Томас Хрбек ва унинг ҳамкасблари Амазонка дарёси дельфинларининг ҳозиргача маълум турларининг ДНКси ва танаси тузилишининг ўзига хос томонларини таҳлил қилиб чиқдилар ҳамда Арагуаяда яшовчи жониворлар билан таққосладилар.

Олинган натижаларга мувофиқ топилган дельфинлар бутунлай янги турга мансуб эканлиги исботланди. Уларга *Inia araguaiaensis* (Арагуая дарё дельфини) деб ном берилди. Генетик таҳлил натижалари Арагуая ва Амазонка дельфинларининг авлодлари икки миллион йил илгари бошқа-бошқа ривожланиш йўлига ўтганлигини кўрсатди. Худди ўша пайтда дарёлар ҳам бир-биридан айри ҳолатда оқа бошлаган.

## ЦЕРЕРА САЙЁРАСИДА СУВ ТОПИЛДИ

**Астрономлар Церера деб аталувчи кичик сайёрада сув борлигини аниқладилар. Унинг заҳиралари жуда катта бўлиб, таркиби ичишга яроқли деб топилди.**

Тадқиқотчилар ўта синчковлик билан ўтказилган ҳисоб-китоблардан сўнг ҳар олтиш сонияда сайёрадан атмосферага камида олти литр сув буғ ҳолатида чиқариб ташланаётгани маълум бўлди, деб хабар беради «Global Science» нашри. «Гершель» фазовий обсерваториясидан махсус аппаратлар ёрдамида қузатувлар олиб борилганлиги ушбу кашфиётда муҳим аҳамият касб этди. Айни пайтда мутахассислар мазкур сайёрани ўзлаштириш режасини ишлаб чиқиш ҳақида бош қотирмоқдалар.

## ДУНЁДАГИ ЭНГ КАТТА ТИЛЛА ТАНГА

**Австрия пойтахти Венадаги Санъат тарихи музейида соф олтиндан тайёрланган дунёдаги энг катта ва оғир танга намойиш этилди. Кейинроқ эса у Мюнхен, Штутгарт ва Берлинда кўрсатилади.**

Ушбу ажойиб пул белгисининг қиймати бир миллион Австралия долларига тенг. У икки йил аввал, Буюк Британия қиролчаси Елизавета II нинг тахтга ўтирганлигига олтиш йил тўлиши муносабати билан зарб этилган. Маълумки, австралияликлар ҳам расман қироличанинг фуқаролари ҳисобланадилар.

Танганинг диаметри 80 сантиметрни, қалинлиги эса 12 сантиметрни ташкил этади. Унинг бир томонида Австралиянинг тимсоли ҳисобланмиш кенгуру, бошқа томонида эса Елизавета II нинг тасвири туширилган. Танганин вазни бир тонна. Бу ҳақдаги хабар «Euromag» сайтида эълон қилинган.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти жамоаси йўловчилар оқими-ни ўрганиш, йўловчи ташиниш йўналишларининг барча турларини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Нажмиддин Гиязиддинов Давлатовга отаси

**Ғиёсиддин ДАВЛАТОВНИНГ**  
вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихор этади.

**ЎЗГИДРОМЕТ**  
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 7 февралда ҳаво ўзағириб, қор ёғиш эҳтимоли бор. Кечаси ва эрталаб ҳар ҳаво муҳитида зарар-тушун қилиши мумкин. Ил моддаларнинг сақла-Гарбдан секундида 5-10 метр тезликда, қўяйган яратди, тағмиқдори ҳолда секундида 12-17 метр наст бўлади.

**ТОШКЕНТ ОҚШОМИ**

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР  
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 100029,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

Бизнинг электрон манзил:  
vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 256

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Эълонлар: 233-28-95  
факс: (371) 232-11-39

Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума кунлари чиқади  
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот бошқармасида  
02-1-рақам билан рухсатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди.  
13075 нусхада босилди.  
Қўғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки  
«Тошкент почтаамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босмахонаси. Корхона  
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди: 14.20

Баш мухаррир  
Акмал АКРОМОВ